



Procedural regulation of the activities of investigative units in the system of prosecutors of the Republic of Uzbekistan

Sardor TURSUNBOEV¹

Academy of law enforcement of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2024
Received in revised form
15 May 2024
Accepted 15 June 2024
Available online
25 June 2024

Keywords:

prosecutor's office,
preliminary investigation,
Law "On the Prosecutor's
Office",
Law "On introducing
amendments and additions
to certain legislative acts of
the Republic of Uzbekistan
in connection with
improving the institution of
inquiry."

ABSTRACT

The criminal procedural legislation of our country establishes the limits of the powers of investigative authorities, which provide investigators with ample opportunities for the prompt and rapid detection of crimes and their prevention. These powers allow you to take measures to conduct a full, comprehensive, and impartial preliminary investigation, as well as the examination of evidence. In his article, the author noted the relevance of the institution of investigative jurisdiction for crimes.

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss3-pp165-171>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида тергов тузилмалари фаолиятининг процессуал тартибга солиниши

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

прокуратура, дастабки тергов,
“Прокуратура тўғрисида”ги қонун,
“Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.

Мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигида – тергов органлари ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилиши, дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўриши, шунингдек далилларни текшириб кўришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Ушбу жиноятларни тегишлилиги юзасидаги муаллиф ўзининг мақоласида қайд этган.

¹ Independent Researcher, Academy of law enforcement of the Republic of Uzbekistan.

Процессуальное регулирование деятельности следственных подразделений в системе органов прокуратуры Республики Узбекистан

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

прокуратура, предварительное расследование, Закон «О прокуратуре», Закон «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием института дознания».

В уголовно-процессуальном законодательстве нашей страны закреплены пределы полномочий следственных органов, которые предоставляют следователям широкие возможности для оперативного и быстрого раскрытия преступлений и их предотвращения. Эти полномочия позволяют принимать меры для проведения полного, всестороннего и беспристрастного предварительного следствия, а также исследования доказательств. В своей статье автор отметил актуальность института подследственности преступлений.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқланиши биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт” [1] деб бежиз таъкидланмаган.

Мамлакатимиз жиноят процессуал қонунчилигида – тергов бўлинмалари раҳбарларининг ваколатлари сифатида ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этиши, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўриши лозимлиги, шунингдек ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақли эканлиги, тергов бўлинмалари раҳбарларининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилиши ва уларнинг ижро этилиши мажбурий эканлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўтказилган ислохотлар натижаси ўлароқ, 2017 йил 06 сентябрда “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун[2]га асосан жиноят ишини тергов қилиш суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиши белгиланди. Жиноят процессида терговга тегишлилик масалалари ЖПКнинг 345-моддаси[3]да жиноят кодексининг 97-103¹, 108, 116, 132, 137, 141-149, 169-моддаси иккинчи қисмининг “д” ва “е” бандларида ҳамда учинчи қисмининг “г” бандида, 175-моддаларида, 177-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида,

180-181¹-моддаларида, 184-моддаси учинчи қисмида, 184¹-моддасида, 186-моддаси иккинчи – тўртинчи қисмларида, 192¹–192¹², 197¹, 205-215, 218-222, 229⁴, 229⁵, 230-230², 231-моддаларида, 232-моддаси иккинчи қисмида, 232¹-236, 241¹-242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан амалга оширилиши назарада тутилган.

Бу институт жиноят-процессуал ҳуқуқида энг долзарб масалалардан бири бўлиб, фикримизга кўра, терговга тегишлиликнинг аҳамияти шундаки, жиноят содир этилганда у бўйича қайси тергов органи тергов ўтказиши лозимлигини билади. Терговга тегишлиликни тартибга солувчи нормада Жиноят кодексида белгиланган барча жиноятлар акс этган бўлиши шарт, акс ҳолда муайян жиноят содир этилганда у бўйича қайси орган тергов ўтказиши лозимлиги ҳақида саволлар пайдо бўлишда давом этаверади. Шунинг учун жиноят ишининг терговга тегишлилигини аниқлашда содир этилган қилмишнинг хусусияти, терговни амалга оширувчи органларнинг лойиқлигини инобатга олиниши зарур. Менинг фикримча тегишлилик масаласи фақат жиноят ишига эмас, терговга қадар текширув материали ва жиноят ҳақида берилаётган хабарларга ҳам тааллуқли эканлиги фикримизни исбот этади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида процессуалист олимлар “тегишлилик турлари” ҳамда “тегишлилик белгилари” тушунчаларини бир-бирига боғлаб тушунтирадилар. Жумладан, айрим олимлар предметга, ҳудудий ва шахсига кўра терговга тегишлиликнинг белгилари сифатида эътироф этишади. Бошқалар эса мазкур белгиларни терговга тегишлиликнинг турлари деб билишади. Бизнингча, ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари айнан терговга тегишлилик масаласини ҳал этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун биринчи тоифа процессуалист олимларнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Шунингдек, бу ўринда прокурор ёки тергов бўлими, бошқармаси бошлиғининг хоҳиши ҳам инобатга олиниши зарур. Чунки жиноят-процессуал қонунчилигимизда прокурорга терговга тегишлилик қоидаларига риоя қилмаган ҳолда жиноят ишларини ўтказиш ваколати берилган. Амалдаги процессуал қонунчилигимизга асосан дастлабки терговни олиб боришга ваколатли бўлган мансабдор шахслар белгиланган бўлиб, унга кўра дастлабки терговни фақатгина уч давлат органи, яъни прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати органи терговчилари томонидан олиб борилиши мумкин. Ушбу учта органга ҳам ЖПКнинг дастлабки терговга оид нормалари бирдик тегишли бўлсада, ушбу органларда дастлабки терговнинг ўтказилиши бир биридан жинойи қилмишларнинг тегишлилиги билан фарқланади. Юридик адабиётларда дастлабки терговни олиб боровчи субъектларни икки гуруҳга ажратишади. Дастлабки терговни олиб боровчи субъектларнинг биринчи гуруҳига прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчиларини, иккинчи гуруҳга эса прокурорларни киритишади. Дастлабки терговни амалга оширишга ваколатли бўлган 3 та давлат органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”[4]ги; “Ички ишлар органлари тўғрисида”[5]ги; “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”[6]ги қонунларда белгилаб қўйилган.

Терговга тегишлилик жиноят ишининг белгилари ёки ваколатли мансабдор шахснинг хоҳишидан келиб чиқиб, жиноят ишининг аниқ бир тергов органининг иш юритувига тааллуқли эканлигини англатади. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда терговга тегишлиликнинг турлари бўйича аниқ тушунтириш берилмаган. Лекин нормалар мазмунидан келиб чиқиб, уларни фарқлаш мумкин. Хусусан, ижтимоий хавфли қилмишнинг квалификацияси предметиға кўра терговга тегишлиликни белгилаб берса, қилмиш содир этилган жой ёки гувоҳларнинг кўпчилиги жойлашган ҳудуд – ҳудудий судловга тегишлиликни назарда тутди. Бугунги кунда, жиноят ишларининг терговга тегишлилигини аниқлашда “тегишлилигини белгилашнинг алгоритми”ни яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Одатда, ишнинг тегишлилигини аниқлаш унинг ҳудудий, шахсига ва предметиға кўра тегишлилик қоидаларини бир вақтда ва биргаликда қўллаган ҳолда амалга оширилади. Лекин, амалда уларнинг ҳаммасини ҳам бир вақтда қўллаш имконсиз.

Бизнингча, жиноят ишининг терговга тегишлилиги алгоритмини ишлаб чиқишда унинг предметиға ва ҳудудга кўра белгиларини асос қилиб олиш зарур. Чунки қилмишни квалификация қилиш орқали Жиноят процессуал кодексининг 345-моддаси мазмунидан жиноят ишининг қайси тергов органининг иш юритувига тааллуқли эканлигини, қилмиш содир этилган жойни кўрсатиш орқали эса айнан қайси ҳудуд органга тегишли эканлигини аниқлаш мумкин. Шу икки белгининг ўзи тегишлилик бўйича етарлича масалаларни ҳал этади. Шу билан бирга, терговга тегишлиликнинг яна бир тури мавжудки, у жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида мустаснолик хусусиятиға эга бўлиб, уни процессуалист олимлар мустасно терговга тегишлилик, дея таърифлашади. Тегишлиликнинг мазкур тури прокурор билан боғлиқ бўлиб, амалдаги қонунчилигимизга кўра прокурор терговга тегишлилик қоидаларидан қатъий назар жиноят ишининг муайян тергов органининг иш юритувига ўтказиш олади бу хатти-ҳаракат қарорда ўз аксини топиши лозим. Бунда прокурор ўрганиладиган материалларнинг мураккаблиги, уларнинг жамоатчилик учун юқори аҳамиятга эга эканлиги ёки тергов органи томонидан жиноят-процессуал қонунчиликиннинг жиддий бузилиши каби фактларнинг мавжудлиги инобатга олиниши зарур.

Мустасно терговга тегишлиликка кўра, ЖПКнинг 345-моддаси 9-қисми[3]да яъни “Агар терговни олиб боришда суриштирув органиға тегишли бўлган ва тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланса, жиноят ишини ажратиш ва бошқаларға ўтказиш ушбу Кодекснинг 332-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Бунда агар мазкур янги жиноят ушбу Кодекс 381²-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятлар туркумиға кирса, ажратилган жиноят иши бўйича суриштирувни амалга ошириш прокурор томонидан суриштирувчиға топширилади.” деб баён этилган асослар мавжуд бўлганда жиноят ишини терговга тегишлилик қоидаларидан қатъи назар, бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишға, фақат Бош прокурор ёки унинг ўринбосарларининг асослантирилган қарорига биноан амалга оширилади.

Шунингдек, вилоят прокуратураси органлари иш юритувидаги терговга қадар текширув материали ёки жиноят прокуратурасига ўтказиш Бош прокуратура орқали амалга оширилади. Туман (шаҳар) прокуратураси ва унга тенглаштирилган прокуратура иш юритувидаги терговга қадар текширув

материали ёки жиноят ишини бошқа ҳудудга ёки вилоят прокуратурасига, шунингдек вилоят прокуратураси иш юритувидаги терговга қадар текширув материалы ёки жиноят ишини қўйи прокуратурага ўтказиш вилоят прокурорларининг ёзма рухсати билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 37-моддасида баён этилганидек “Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўрадилар. Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳининг бошлиғи ва унинг ўринбосари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айбловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир. Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан кўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир. Олинган кўрсатмалар устидан прокурорга шикоят қилиниши, ушбу Кодекс 36-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди.” [3].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 409-моддасида эса, “Прокурор биринчи инстанция судларида жиноятларга доир ишларни кўришда иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар беради, Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини билдиради”, [3] деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январь кундаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўрисида”ги Фармони[7] билан Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси ташкил этилиши белгиланиб, Корпус ходимлари ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари уларнинг судда иштироки билан боғлиқ фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Бизнинг фикримизча, айблов хулосасини тасдиқлаган прокурор томонидан тайинланган давлат айбловчиси иш бўйича прокурор билан бир хил процессуал позицияга эга бўлади. Шу сабабли, суд муҳокамасида, айниқса айбловдан воз

кечиш ҳолатларида давлат айбловчисининг ўз фикрига эга бўлиши керак деб ўйлайман. Фикримизча, агар суд прокурорнинг айбловдан воз кечиш ҳақидаги фикрига қўшилмаса, судга айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ёки юқори турувчи прокурорга давлат айбловчиси қарорини асослилигини текшириш ҳақидаги илтимоснома юбориш ваколатини беришни таклиф қиламан. Албатта ушбу фикрларнинг процессуал қонунчиликларда акс эттирилиши, келгусида давлат айбловчиларининг айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорнинг иродасига тўлиқ боғлиқ бўлиб қолишига ва мазкур жараёнга суд ҳам жалб қилинишига олиб келади.

Суд муҳокамаси натижасида прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши шарт. Айблов хулосасини тасдиқлаган прокурор ва давлат айбловчиси ўртасидаги мунобатлар эса Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари билан тартибга солиниши лозим.

Ҳудудий терговга тегишлилик қоидаларига кўра, жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (шаҳар) суриштирувчи, терговчисининг терговига тегишли бўлади. Жиноят содир этилган ҳудудни аниқлашнинг имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда терговга тегишлилик масаласини ҳал этиш юзасидан ЖПК 346-модданинг 2-қисми[3]да қуйидагича маълумот келтирилган, яъни дастлабки тергов, суриштирув агарда иш ҳолатларини анча тез, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ёрдам берса, иш қўзғатилган жойда ёки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ёки гувоҳларнинг кўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин. Лекин ушбу норма мазмунидан жиноят содир этилган ҳудудни аниқлашнинг имкони бўлмаганда тегишлилик масаласини ҳал этиш юзасидан қонунга қўшимчалар киритиш зарур. Шу нуқтаи назаридан жиноят излари аниқланган ёки унинг оқибатлари тегишли бўлган ҳудудни аниқлаш долзарб муаммолардан биридир. Ушбу ҳолат ижобий жиҳати жиноят белгилари аниқланган ҳудудни жиноят содир этилган ҳудудга яқинлаштириб, тергов самарадорлигини ва сифатининг ошишига хизмат қилади. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг моддаларида акс эттириш лозим бўлади. Худди шу мазмундаги тартиб жиноят ҳақида берилаётган ариза ва хабарларга ҳам тегишли бўлиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 346-моддасини қуйидаги мазмундаги 2-қисми билан “жиноят содир этилган ҳудудни аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда жиноят белгилари аниқланган ёхуд унинг оқибатлари тегишли бўлган ҳудудда тергов олиб борилади” деб тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят қонунчилигимизга кўра, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатганлик, шунингдек Интернет, ижтимоий тармоқларга жойлаганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Худда шу турдаги жиноятларда ҳам гарчи унинг тегишлилик масаласи ЖПКнинг 345-моддасида аниқ белгилаб қўйилган бўлсада, қилмиш содир этилган жойни (ҳудудни) аниқлашда тергов амалиётида муаммолар учраб туради. Бу борада қонунчилигимизда аниқ тушунтириш ҳам бериб ўтилмаган. Мазкур муаммолар қонунчилигимизда аниқ қилиб ўз аксини топса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиев Ш.М. Миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. -Т.:, 2017. Б-152.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/3328284>.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. (2021 йил 15 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) – Т.: “Yuridik adabiyotlar Publish”, 2021 й. 254-258 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 август кунидаги 257-II-сонли қонуни. <https://lex.uz/acts/106197>.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябр кунидаги ЎРҚ-407-сонли қонуни. <https://lex.uz/acts/3027843>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги 2018 йил 06 апрель кунидаги қонуни. <https://kun.uz/63157703>.
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «Odil sudlovga erishish imkoniyatlarini yanada kengaytirish va sudlar faoliyati samaradorligini oshirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi 2023-yil 16-yanvardagi PF-11-sonli farmoni. <https://lex.uz>